

Хужжат кучини йўқотган 24.05.2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТҮҒРИСИДА

▀ LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 30 сентябрдаги 364-XII-сон «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар киритиш түғрисида»ги Қонунига мувофиқ мазкур Қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган.

▀ LexUZ шарҳи

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари га жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш түғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.

Жумхуриятнинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этади. Бундай шароитларда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Милиция ходимларини ўлдириш, қуролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқармоқда.

Милиция ходимларининг ҳуқукий ва ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қиласди:

I. 1. Милиция ходимлари давлат ҳокимиютининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилсан. Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбурдирлар.

Милиция ходими қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўй-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

▀ LexUZ шарҳи

Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-модданинг иккинчи қисмига, 104-модданинг иккинчи қисмига, 105-модданинг иккинчи қисмига, 112-модданинг учинчи қисмига, 140-модданинг учинчи қисмига, 173-модданинг учинчи қисмига, 219-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексининг 194—196 ва 198-моддасига қаранг.

2. Милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъий назар, кўрсатмалари билан тенг равища далилий аҳамиятга эгадир.

Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига қўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатда милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар қўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайди.

3. Милиция ходими турар-жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишда, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, транспортнинг барча турларига навбатсиз билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш ҳуқуқидан фойдаланади, шунингдек, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланади. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртасидан албатта ўтказилиши керак.